

**ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГА ОТЛАНГАН ЁШ
ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИ**

Суяров Мавлон Сафарович

“Шахрисабз” давлат музей қуриқхонаси илмий ходими.

Тел +998919557676 @маил suyarov594@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада Туркистон ўлкаси XIX аср охири - XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутиши, илғор зиёлиларнинг чоризм истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солиши, бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланиши, инқилобга қадар тараққийпарварлар оқимини ташкил қилган Туркистон жадидларининг кескин қаракат қилувчи қисми бир қатор кенг сиёсий талабларни илгари суриши ҳамда халқ озодлиги йўлида ёш тараққийпарлар жамиятининг халқ озодлиги йўлида олиб борган курашлари таҳлил этилган.

Аннотация:

В данной статье страна Туркестан пережила политический, культурный и экономический упадок из-за колониальной политики в конце 19 - начале 20 веков, прогрессивная интеллигенция избавилась от тирании царизма, пробудила нацию, открыла путь к не только экономическому, но и духовно-просветительскому развитию, распространила послание народу об основах просветительского движения, о начале нового периода возрождения в Туркестане с этим движением радикальной части туркестанских джадидов, образовавших течение. прогрессистов перед революцией, выдвинул ряд широких политических требований, проанализирована борьба общества молодых прогрессистов за свободу народа.

Abstract:

In this article, the country of Turkestan suffered a political, cultural and economic decline due to the colonial policy in the late 19th and early 20th centuries, the progressive intellectuals got rid of the tyranny of tsarism, awakened the nation, opened the way to not only economic, but also spiritual and educational development, spread the message to the people. the foundation of the enlightenment movement, the beginning of a new renaissance period in Turkestan with this movement, the radical part of Turkestan jadids, who formed the flow of progressives before the revolution, put forward a number of broad political demands, and the struggles of the society of young progressives for the freedom of the people were analyzed.

Калит сўзлар: Мустамлакачилик , жадид, маърифатпарвар, инқилоб, партия, тараққийпарвар, кўзғалон, амирлик.

Ключевые слова: Колониализм, джадид, просвещение, революция, партия, девелопментист, восстание, эмират.

Key words: Colonialism, Jadid, enlightenment, revolution, party, developmentist, uprising, emirate.

Туркистон ўлкаси XIX аср охири - XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутди. Ўлканинг илғор зиёлилари чоризм истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш , халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солдилар. Бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланди.

Шаҳрисабзда 1914 йили ёш тараққийпарварлар жамияти тузилди. Жамиятга Аҳмаджон Аминов, Абдулла Раҳмонов, Мирзо Юнус, Мирғофур Мансуров, Ҳожи Одил, Мирзо Исломул ва бошқа эътиборли одамлар аъзо бўлиб киришди. Улар яширин равишда йиғилишиб амир сиёсатини, унинг ҳатти-ҳаракатларини муҳокама қилардилар.

1917 йил февраль революциясидан кейин Бухоро амири инқилобий кайфиятда бўлган халққа қарши ғавқулотда чоралар кўра бошлади.

Шахрисабз тўраси Саид Акрамхоннинг буйруғи билан тараққийпарвар ёшлар жамиятининг аъзолари ҳокимиятга қарши чиқишда айбланиб, қамоққа олина бошлади. Мирзо Юнус, Хожи Одил, Исмоил тўқсабо каби эркпарвар кишилар ҳам зиндонга ташланиб, азобланиб ўлдирилди. Уларнинг кўпчилиги бу вақтга келиб, 1918 йилда ташкил топган Бухоро Коммунистик партияси ва ёш бухороликлар партиянинг аъзолари эди.

Шахрисабзлик амирнинг жабр-ситамларига чидаёлмай, унинг устидан Туркистон генерал губернаторига шундай мазмунда шикоят ёзган эдилар “Амир биз бечораларга турли зулмлар ўтказди, ҳақоратлайди ,оёқости қилади,одам юбориб жондан азиз қизларимиз ва ўғилларимизни олиб кетади.Улар билан ғайриқонуний ишлар қилиб, номини булғайди, бутун халққа шарманда қилади. Амирнинг биз томонга тайинлаб қўйган беклари бизни ҳаддан зиёд эзди, ниҳоятда кўп солиқлар солади. Лекин бу шикоятлар оқибатсиз қолади”¹¹. Шу сабабли ҳам Шахрисабз меҳнаткашлари 1919 йилнинг 24 июлида қўзғолон кўтардилар ўн бир кун давом этган қўзғолонда 15 минг киши қатнашади. Қўзғолон бостирилгач, унинг 500 нафар қатнашчиси қамоққа олинади ва қатл этилди.

1917-1919 йилларда хонларнинг тез-тез тахтга ўтириши туфайли ички кураш зўрайди. Шахрисабз ва Китоб бекликлар амирга қарши чиқиб, солиқ тўлашдан бош тортдилар.

1917-1918 йилларда Китоб, Шахрисабз ва амирликнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида,намойишлар, халқ қўзғолонлари бўлиб турди. Ана шундай қўзғолонларнинг бирида ёш тараққийпарварлар жамиятига аъзо бўлиб кирган йигитлардан 23 нафари қатнашди.

1919 апрелида деҳқон ва хунармандлар армияга сафарбарлик қилишни тўхтатишниталаб қилиб, Қарши шаҳар бегининг қароргоҳини ўраб оладилар. Бу хабар яшин тезлигида шаҳарлардаги косиб хунармандларга, чўл бағридаги, тоғ оралиғидаги деҳқон ва чўпонларга етиб боради. Амир ва

¹¹ К. Китов. ЎзССР тарихининг қисқача очерки. Тошкент, 1974 йил, 19-бет,

амалдорларга нисбатан халқнинг ғазаби ортиб боради.

Бу даврда Шаҳрисабз вилоятидаги қишлоқларда дон, пахта, шоли, нўхат, зиғир ва бошқа экинлар экиларди. Аҳоли боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланарди. Қишлоқлардагиларнинг деярли ҳаммаси бойлар ва амир амалдорлар қўлида эди.

Жадидчиликнинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммати шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, ғафлат уйқусида ётган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди, озодлик, эрк, миллий ғурур ва шаън ҳақида, буюк аجدодлари, бой маданияти, умуман мустамлака истибдоди даврида унутилаётган қадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда эволюцион ислохот йўли асосида ишлаб чиқдилар, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар.

1917 йилда февраль ойида Россияда содир бўлган демократик инқилобга қадар тараққийпарварлар оқимини ташкил қилган Туркистон жадидларининг кескин қаракат қилувчи қисми бир қатор кенг сиёсий талабларни илгари сурди. Бу талаблар орасида маҳаллий туб аҳоли ҳуқуқларини кенгайтирилишини кўзда тутган ҳолда ўлкани идора этишни тубдан ислох қилиш, туркистонликларга муайян миқдорда Давлат Думасидан ўрин ажратиш, асосий демократик эркинликларни таъмин этиш ва энг аввало миллий матбуот эркинлигига эришиш, чор якка ҳокимлиги тузумини конституциявий идора этиш тузumi билан алмаштириш каби талаблар ўрин олди.

Қадимдан Ислom динининг таянчи дея эътироф этилган Бухоронинг сўнгги, ўнинчи ҳукмдори бўлмиш Амир Олимхоннинг ҳукмронлик йиллари ўта зиддиятли кечди. Бир томондан қизил армия хужуми, иккинчи томондан эса, ички муҳолифат—«Ёш бухороликлар» партияси амирликнинг барҳам топишини *тезлаштиради*.

Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Саид Олимхон (1881-1944) бўлиб, унинг ҳукмронлик даври 1910-1920 йилларни ўз ичига олади. Отасининг вафотидан сўнг амир унинг ишини давом эттириб, бир қанча ислохотлар қилишга уринди. Амирга ёлғиз бас келишига кўзи етмаган «Ёш бухороликлар» партияси большевиклар ёрдами билан ҳокимият тепасига келди. Мамлакатда монархия тузумини ағдариш ва демократия ўрнатиш объектив томондан тўғри йўл эди. Бироқ, бунга ташқи кучлар орқали эришиш давлатимизнинг яна етмиш йилдан ортиқ вақт давомида мустамлака сифатида эзилишига сабаб бўлди. Шубҳасиз амирнинг калтабин сиёсати ҳам давлат қулашини тезлаштирди²²

Амирликнинг йирик шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисаб, Қарши, Каттакўрғон, Дехнов, Нурота ва бошқалар асосий савдо марказлари эди. Манбаларга кўра, XIX аср бошларига келиб йирик карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Қарши шаҳрининг аҳамияти ошиб кетади. Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Бухоро амирлиги давлатининг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлиб, манғитлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда қатор юксалишлар бўлиб ўтди. Аммо, мамлакат иқтисодий жиҳатдан қудратли ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Кўп ҳоллардаги иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар XIX асрнинг иккинчи ярмида давлатнинг катта ҳудудларини Россия томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Бухоро амирлари 1920 йилга қадар Россияга вассал ҳолатда тахтни эгаллаб турдилар.

1920 йил совет режими бу гуруҳлар фаолиятини тугатди.. Бу даврда совет режими турли сиёсий ишлар («Ўн саккизлар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик» ва б.) тузиб, миллий зиёлиларни оммавий равишда қатағон қилишга киришди. 1929 й. нояб. да Мунавварқори бошчилигидаги 38 кишининг қамоққа олиниши (кейинчалик уларнинг сони 87 кишига етган) билан жаҳидчилик ҳаракатига кучли зарба берилди³. Бироқ истиклол ғояси ўз кучида

² О. Эшонов. Бухоро Халқ Совет республикасининг ташкил этилиши. Тошкент, 1956 йил, 20-бет.

<https://scientific-jl.com/>

қолаверди. Жадидчилик ҳаракати сиёсий маърифатпарварликдан Жадид тараққийпарварлар фирқаси даражасига кўтарила олди. Бу ҳаракат ҳамда фирқа аъзолари ўз фаолияти ва дастурига кўра, шўро адабиётларида айтилганидек, «бир ҳовуч бойлар манфаатига хизмат қилувчи либерал буржуазия вакиллари» эмас, балки Туркистоннинг барча халклари тақдирини ўйлаб иш кўрган демократик жараённинг энг саводли, олижаноб намояндалари эди³³.

Бухоро амирлигига қарашли вилоятлардан бири бўлган Шаҳрисабзда ҳам Октябрь инқилобигача зулм ва жаҳолат ҳукм суларди. Россиядаги революцион воқеалар Шаҳрисабз атрофидаги Қутчи ва бошқа қишлоқларнинг аҳолисини ҳам ғафлат уйқусидан уйғотди. Уларни озодлик учун курашга отлантди.

1920 йилнинг 2 сентябригача ўлканинг мутлоқ ҳокими Бухоро амири Саид Олимхон ҳисобланарди. Ҳамма ер ва сув чорва моллари, дов-дарахтлар ҳам амирликка қарашли эди. Меҳнаткаш халқ фуқаро ҳисобланиб, ҳар қандай азоб укубатга бардош беришга мажбур эди.

Саид Олимхон Самарқандда Советлар ҳокимияти ўзгармасдан сал олдин ўз амакиси Саид Акрамхонни Ғузордан олиб келиб, Шаҳрисабз ҳокими этиб тайинлади.

Саид Акрамхон Шаҳрисабзда ҳокимлик қилган даврида илғор мутафаккирларга кишиларга нисбатан кўпгина ёвузликлар қилди. “Меҳнаткаш халқни солиқларни кучайтириш йўли билан энди, хонавайрон қилди. Қутчи халқи ҳам шундай азобларга “шерик” эди. Коммунистлар ва ёш бухороликлар халқ ўртасида амирлик тузумини ағдариш учун катта ишлар олиб боришди. Бундан чўчиган амир фавқулотда чоралар кўрди. Халқни армияга сафарбар этиш эълон қилинди. Аҳолидан олинadиган солиқлар миқдори янада кўпайтирилди”⁴⁴. Бу эса меҳнаткашларнинг норозилигини янада кучайтирди.

³ М. Очилов. “Қақадарё области”. “Ўзбекистон нашриёти”, Тошкент 1994 йил.

⁴ Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви, 3-фонд, 2-рўйхат, 97-дело, 44-47 Ҳужжатлар.

1920 йилнинг ёзида Шаҳрисабзда яна қўзғолон бўлди, лекин амирлик томонидан шафқатсизларча бостирилди. Шаҳрисабз беклигидан 10 минг ўрнига 3000 киши армияга сафарбар этилди.

Аммо энди янги турмуш, ҳуррият сари интилаётган халқнинг уйқудан кўзи очилаётган эди. Уларнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги орзу-истагини, интилиш ва курашини ҳеч қандай куч тўса олмасди. Бухоро амири, шаҳар беклари қанчалик зулм-ситамлار ёғдиришмасин, ёш бухороликлар ҳамда шаҳрисабзлик ёш тараққийпарварлар бошлаб берган ҳаракат қишлоқларда тўлқиндек тобора мавжланмоқда эди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мамлакатда олиб борилган бу каби сиёсий жараёнлар халқнинг озод, мустақил, ҳеч кимга қарам бўлмаслик кайфияти тобора ортиб бораётгани , бунга эса ҳеч қандай қора кучлар қарши тура олмасликлари кундан равшан эди.

Адабиётлар рўйхати

1. К. Китов. ЎзССР тарихининг қисқача очерки. Тошкент, 1974 йил, 19-бет.
2. О. Эшонов. Бухоро Халқ Совет республикасининг ташкил этилиши. Тошкент, 1956 йил , 20-бет.
3. М. Очилов. “Қашқадарё области”, “Ўзбекистон” нашриёти , Тошкент 1994 йил.
4. Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви, 3-фонд, 2-рўйхат, 97-дело, 44-47-варақлар.
5. Поён Равшанов. Бехбудий ҳақиқати. “Akademnashr” нашриёти, Тошкент 2022 йил
6. Гулора Равшанова. Қашқадарё XX аср бошлари тарихи. Янги аср авлоди нашриёти, Тошкент 2016 йил